

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

**ЎҚУВЧИЛАРНИ БИЛИМ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ  
ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ**

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.  
- Умумий педагогика кафедраси уқитувчи.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ БИЛИМ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

РЕЖА:

1. Уқувчиларни билим куникма ва малакаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш. Унинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.

2. Билимларни текширишга қуйиладиган педагогик талаблар. Уларни турлари ва ташкил этиш йуллари.

Хадемай, жонажон фарзандларимиз мактабга илк бор кадам қуядилар. Хуш, улар бугун мактабга тайёрми?. Бу тайёргарлик жараёни богчага катнамайдиган болалар билан қандай амалга оширилмоқда?. Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълим бош бошқармаси "Таълим тугрисидаги Конун" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни амалга ошириш бўйича "Болаларни мактабга тайёрлаш" мавзусида Республика анжумани ўтқазилди. Бир неча кун давом этган бу анжуманнинг ўтқазилиши бежиз эмас. Ахир, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да болаларни мактабга тайёрлаш ўзлуксиз таълимни илк-асосий босқичи эканлиги алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда Республикада 80% кичкинтойларнинг богчага катнашмаслиги сир эмас. Ваҳоланки, болаларимиз мактабдаги таълимга тайёр бўлиб, ҳар жихатдан етук шаклланган ҳолатда бўлиши керак. Уйдан келган бола богча боласининг фикр доираси, дунёқараши турлича бўлиб, у руҳан эзилиши керак эмас. Шундай экан, анжумандан ҳулоса чиқаришимиз лозим!

Аввало, замин -услугий адабиётлар туплами, кейин шахс тайёр бўлиши ва ниҳоят, тарқатма материаллар керак. Ана шундай қилингандагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

"Таълим тугрисидаги Конун" да мавжуд таълим тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лицей, коллежлар энг керакли, энг иқтидорли болаларни танлаб олиш ва уларни таълим жараёнига тайёрлаш ишларини бевосита улар 9-синф битирганларида эмас, балки эртарок, яъни мактабнинг 1-синфига бораётган вақтларидаёқ ёки ундан эртарок бошлашлари яна ҳам яхшироқ натижа бериши мумкин. Ҳукуматимиз томонидан болаларни 1-синфга қабул қилишга, 6-7 ёшдаги болаларни ўқитишга қатта эътибор берилмоқда, Ваҳоланки, болаларни 1-синфга қабул қилиш борасидаги қўлланиб келаётган анъанавий усуллар бугунги кун талабига етарлича жавоб бермайди. Болалар у ёки бу таълим муассасасига бугунги кунда танлаб олиш ва таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда дунёнинг энг ривожланган давлатлари тажрибаларини ўзлаштириш илгор психодиагностик воситалардан кенг фойдаланиш зарурдир. Аммо бу ишларни амалга оширадиган, махсус тайёргарликдан ўтган, малакали амалиётчи психолог мутахассис кадрлар камчил. Иккинчидан, бизнинг этник, ҳудудий хусусиятларимизга мувофиқлаштириб, тегишли меъёрий маълумот ҳисобга олинган психодиагностик воситалардан бирини педагогларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик. Қуйида берилаётган материаллардан Республиканинг ҳар бир мактаби ва

мактабгача тарбия муассасаларида фаолият курсатаётган мутахассилар фойдаланиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда методикаларни батафсил ёритишга ҳаракат қилдик.

Болаларни 1-синфга қабул қилаётганда, уларнинг мактаб таълимига умумий етуклик даражасини аниқлаш бўйича психологик амалиётда кенг қулланиб келаётган тадбирлардан бири Керн-Йирасек томонидан таклиф қилинган-"болани мактабга умумий етуклик даражасини аниқлаш" методикасидир.

Бунинг ёрдамида тадқиқот ишларини бола мактабга келишидан бир неча кун олдин утказиш мақсадга мувофиқдир.

1.Топширик.

Одам расмини чизиш.

Болага куйидаги топширик берилди:

"Мана бу коғозга одам расмини чиз. Угил боланинг расминими, киз боланинг расминими ёки амаки ёки холаними, кимни хоҳласанг ушанинг расмини чиз".

Болага берилган шу курсатмадан бошқа ҳеч нима дейилмайди. Бола топширик юзасидан саволлар берса ҳам ортиқча ҳеч нарса дейилмайди. Нимани қандай чизиш керак қабилдаги курсатмалар айтилмаслиги керак. Бола расмни узи қандай хоҳласа ва қандай чиза олса шундай чизиши керак. Ундан қушимча тузатишлар киритиш ҳам талаб қилинмайди.

Натижалар таҳлили:

Болалар томонидан бажарилган ишлар куйидагича баҳоланади:

1-балл-Бош, иккала кулак, қўшлар, оғиз, тана, буйин, икки қул (бешта бармоғи билан), оёқлар (оёқ қийими билан ёки уларсиз), гавданинг пастки қисмидан ажратилган одам шакли чизилган расмга берилади.

2-балл-Агар сочи, бармоқлари йук бўлса ёки уларнинг ҳаммаси чизилмаган бўлса.

3-балл-Буйин, қуллар, соч, қийимлар, бармоқлар тасвири йук бўлса.

4-балл-Содда, оддий тасвирларга.

5-балл-Бош оёқли, бетартиб тасвир чизилган бўлса.

Методиканинг асл варианты берилишича боланинг мактаб умумий етуклик даражаси юқори баллар олади.

5-баллдан 9-баллгача-Боланинг мактаб таълимига тайёрлик даражаси уртача эканлигини билдиради.

Баллдан юқори курсаткичлар боланинг рухий ривожланишида камчилик, нуқсонлар мавжудлиги эҳтимолини билдиради.

Мактабга чиқиш арафасида боланинг тайёргарлик даражаси қандай эканлиги ҳақида, унинг индивидуал хусусиятлари ҳақида маълумотларни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик бола билан индивидуал ёндашиш, бошланғич таълимнинг илк кунларида олиб борилган ишлар тарбия самарадорлигини оширади.

математика дарсларида укувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантириш, фанни урганишига қизиқишни уйғотишда, муаммоли таълим

элементларини ва мустакил ишларини тахлил қилишда табакалаштирилган топширикларини роли каттадир. Улар бир неча турга ажратилади.

1. Тахлил қилиш пайтида ёрдам берувчи топшириklar қиради.

А). Кумаклашувчи топшириklar мураккаб машқларни таркибий қисмидан иборат, масалан: укувчилар қуйидаги мураккаб масалаларни ечишлари керак: "Тепалиқда 15 қиз бола ва 12 угил бола чана учмоқда эди. Кейин 5 та қиз уйларига кетишди. Қиз болалар угил болаларга караганда неча кам қолди?".

Баъзи укувчилар масаланинг зарурий элементларини ажратиб олишга қийналадилар ва қандай сонларни такқослаш кераклигини тушунмайдилар. Агар улар дастлаб қуйидаги содда ёрдамлашувчи масалани ишлашса, мазкур ишлар анча осонлашади. "Чана учишга 10 та қиз бола ва 12 угил бола қолди. Қиз болалар угил болаларга караганда қанча кам қолди?".

Бу содда масала. Унинг таркибида олдингисига ухшаш учта эмас, балки факат иккита маълумот иштирок этади. Бу ерда чана учаётган болалар сони билан чана учишда қолган қиз болалар сонини такқослаш кераклигини пайқаш қийин эмас.

Б). Кумаклашувчи саволлар ва курсатмалар.

Бундай топшириklarнинг максади - укувчиларнинг диққатини тахлил қилиш учун муҳим бўлган, ammo масала шартда ажратилмаган, қандайдир қисмига қарашлидир. Шундай топшириklarдан мисол келтирилади.

1. Йигиндини сонга қандай бўлиш мумкин? Натижани топинг.

$$(15+35):5=$$

$$(24+48):8=$$

кумаклашувчи саволнинг максади: йигиндини сонга қандай бўлиш мумкин? - бундай йигиндини сонга бўлиш назарий осон эканлигини ифодаловчи билим баён қилинади.

2. Қушимча аниқлаштириш билан ечилган топширик.

Бу ерда тахлилнинг енгиллаштириш учун ишлатиладиган расм ва чизмалар қуринишидаги қушимча аниқлаштирилган топшириklar назарда тутилади. Буни айтиб ўтиш керакки, 1-2-синфларда расмлар, чизмалар, шу жумладан, схематик чизмалар ҳам ишлатилади.

Масалан:

1-топширик: масалани ечинг: "саватчага 4 та, ликобчага эса 2 та ортик олма қуйилди. ликобчага қанча олма "қуйилган?". Бу масала саватчага ва ликобчага тасвирланган расмлар орқали тушунтирилади.

2. Назарий маълумотномали топширик.

Ёдингизда тутинг: тугри туртбурчакнинг юзини ҳисоблаш учун унинг узунлиги ва энини топиб, чиққан сонлар қупайтмасини аниқлаш керак. Шу қоидадан фойдаланиб, масалани ечинг:

"Узунлиги 40 см ва эни 30 см бўлган қартонни елимлаш учун неча кв. см қоз керак?"

3. Мулоҳазалар билан берилган топшириklar. "Бирининг узунлиги 2 см, 2-ники эса ундан 3 марта узун бўлган 2 та қесма қизинг".

Мулохаза килинг1-кесма узунлиги 2 см,2-чисиники эса ундан 3 марта узун,демак унда 2смдан 3 кесма бор,кесмаларни чизинг.

Хулоса килиб айтганда, юкорида курсатилган табакалаштирилган топшириклар укувчиларга амалга оширишлари керак булган фаолиятнинг максади ва ахамиятини ту шунтиришга,билимларини мустакил эгаллашга эхтиёж тугилишига,муаммоли вазият ва унинг асосида пайдо булувчи масалаларни ечишда катта ёрдам беради.

#### ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Билим, куникма,малака,тарбиявий мохият,педагогик талаблар,балл.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1.Укувчиларни билимини ошириш учун педагоглар олдидаги талаблар.
- 2.Билимларни текширишга куйиладиган педагогик талаблар.
- 3.Билимларни текшириш турлари.
- 4.Билим,куникма,малакани хисобга олиш ва бахолаш.
- 5.Таълим тизимидаги узгаришлар.